



FARG'ONA VILOYATI QO'SHTEPA TUMAN HOKIMINING QARORI

187 -son

“23” март 2021 yil

**Туман захирасидаги ер майдонларидан
“ABDUXAMID ABDURASHID FAYZI”
МЧЖга сабзавотчилик-полизчилик
йўналишида кооперация ташкил этиш
учун ер майдонлари ажратиш ҳақида**

Туманда ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида Халқ Депутатлари Кўштепа туман Кенгашининг 2021 йил 26 февраль кунги 196/33-VI-сонли “Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёнлари ҳамда хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, шунингдек “ABDUXAMID ABDURASHID FAYZI” МЧЖ раҳбари Р.Ариповнинг ёзма аризаси ҳамда туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасини инобатга олган ҳолда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-10-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ер участкаларини бериш (реализация қилиш) комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин ҳамда Халқ депутатлари Кўштепа туман Кенгашининг 26 февраль кунги 196/33- VI-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман захирасидаги Бобоқум худудида жойлашган Ғиштмон-Чимкент массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 11, 12, 13, 14, 15, 16, 19-контурларида жойлашган жами 10,74 гектар, шундан 7,04 гектар экин ер майдони, 0,18 гектар ихота дарахтзорлари, 2,30 гектар ариқ ва зовурлар ўрни, 1,22 гектар бошқа ерлар, Хавасманд Қоражийда массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 2, 25, 49, 62к-контурларида жойлашган жами 23,20 гектар, шундан 22,33 гектар экин ер майдони, 0,49 гектар ариқ ва зовурлар ўрни, 0,01 гектар йўллар, 0,37 гектар қурилиш остидаги ерлардан иборат умумий 33,94 гектар, шундан 29,37 гектар экин ер майдони, 0,18 гектар ихота дарахтзорлари, 2,79 гектар ариқ ва зовурлар ўрни, 0,01 гектар йўллар, 0,37 гектар қурилиш остидаги ер майдони, 1,22 гектар бошқа ерлар “ABDUXAMID ABDURASHID FAYZI” МЧЖга сабзавотчилик-полизчилик йўналишида ёшлар кооперацияси ташкил этиш учун 49 (қирк тўққиз) йил муддатга ижара шартномаси асосида белгиланган тартибда ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги туман бўлими (Р.Аҳмадалиев)га:

- “ABDUXAMID ABDURASHID FAYZI” МЧЖга ерни ўлчаб бериш;
- янги ташкил этилаётган ёшлар кооперацияси ва туман ҳокимлиги ўртасида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш;

-ердан фойдаланишни доимий назорат қилиш;
-ер хисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари топширилсин.

4. "ABDUXAMID ABDURASHID FAYZI" МЧЖга:

- ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, самарали ва оқилона фойдаланиш;
- сабзавотчилик-полизчилик йўналишида фаолият юритиш;
- сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш;
- биринчи ўринда ёшларни иш билан таъминлаш каби устувор вазифалар юклатилсин.

5. Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман Давлат солиқ инспекцияси, суғурта компаниялари, туман "Агрокимёхимоя", туман статистика бўлими, тижорат банклари ва тумандаги тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ушбу қарорни маълумот ва ижро учун юборилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Ўринов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



И.Новиков

КАРОР ҚИЛМАН